

*Каримов Бахромали Тоғиматович*  
*ТошДТУ “ЕУТТ” кафедраси в.в.б.доценти п.ф.ф.д.,(PhD)*

## ЯНГИ АВЛОД ВА АНАНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ ФАРҚЛАНИШИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳар бири ўзига хос талаблар қўйувчи маълум таълим концепциялари асосида компетенцияга йўналтирилган янги авлод ўқув адабиётларини яратиш долзарб масала эканлиги баён этилган.

Шунингдек модулли, янги авлод (технологик) ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган ва шу талаблар асосида яратилган ўқув адабиётларининг ананавий ўқув адабиётларидан фарқли жиҳатлари очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** таълим стандартлари, ананавий, янги авлод, ўқув адабиёти, мавзу мақсади, мазмун, модуль, мутахассис, компетенция, фаолият.

**Аннотация:** В данной статье излагается, что актуальным является вопрос создания компетентностно-ориентированной учебной литературы нового поколения на основе определенных образовательных концепций, каждая из которых имеет свои требования.

Также разработаны требования к модульной, (технологической) учебной литературе нового поколения и выявлены отличия учебной литературы, созданной на основе этих требований от традиционной учебной литературы.

**Ключевые слова:** образовательные стандарты, традиционные, новое поколение, учебная литература, цель темы, содержание, модуль, специалист, компетенция, деятельность.

**Annotation:** This article outlines that the urgent issue is the creation of competency-oriented educational literature of a new generation based on certain educational concepts, each of which has its own requirements.

Requirements for modular, (technological) educational literature of a new generation have also been developed and differences between educational literature created on the basis of these requirements from traditional educational literature have been identified.

**Key words:** educational standards, traditional, new generation, educational literature, purpose of the topic, content, module, specialist, competence, activity.

### 1. Кириш

Техника олий ўқув юртлари бугунги кунда нафақат фан бўйича тизимлаштирилган маълумотларга эга, давлат таълим стандартлари талаблари асосида компетенцияларни ривожлантирувчи, ўз касбий фаолиятида мақсад ва вазифаларни белгилай оладиган, муаммоли вазиятларда оқилона техник ечимлар ишлаб чиқишга қодир мутахассисларни тайёрлаш имконини берадиган ўқув адабиётларига эҳтиёж сезмоқда.

Ўқув жараёнини услубий таъминлашнинг марказий бўғини сифатида асосий ўқув қуроли - дарслик муаммоларини ҳал қилиш долзарб ва принципиал аҳамиятга эга [1].

Демак давлат таълим стандартлари талаблари бажарилиши - меҳнат бозорида рақобатбардош, малакали, компетентли, масъулиятли, ўз касбини устаси, чегарадош фаолият соҳаларига йўналтирилган, мутахассислик бўйича жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлашга қодир, ўз устида тинимсиз ишлаб касбий маҳоратини узлуксиз такомиллаштирувчи, ижтимоий ва касбий фаолиятга тайёр мутахассисларни тайёрлашда компетенцияга йўналтирилган ўқув адабиётларини яратиш долзарб ва принципиал аҳамиятга эга.

### 2. Методология

Ўқув адабиётлари ҳақида гап борганда Франсуа-Мари Жерар, Ксавье Рожье, ўқув адабиёти “ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантириши, турли ўқув усулларини таклиф қилиши, олинган билимларни кундалик амалиётга интеграциялаши керак” [2] деб ҳисоблайди.

К.Т.Олимовнинг ёзишча замонавий шароитда “ўқув адабиёти бутун таълим жараёнини кузатувчи ва мустақил таълим имкониятини берувчи воситадир” [3; 76-б].

К.Н.Мамырова замонавий шароитда “ўқув адабиёти бутун ўқув курсини бирга олиб борадиган ва ўз-ўзини тарбиялаш имкониятини берадиган воситадир” [4] деган фикр билдиради.

Н.Ф. Алефиренко эса ўқув адабиётлари ҳақида фикр билдирар экан:– таълимда “Янги авлод ўқув адабиёти” тушинчасидан фойдаланиш, ушбу ҳодисанинг муайян вақт оралиғини тавсифламаслиги ва аниқ хронологик асосга эга эмаслиги ҳақида билишимизни англатади: олий таълим нашрлари ва таълим ривожланишининг ҳар бир босқичида таҳририят ва нашриёт маҳсулотларининг ўхшаш намуналари пайдо бўлган ва пайдо бўлади. Айни пайтда, таълимни ривожлантириш концепцияси ва амалдаги Давлат таълим стандартларига энг кўп мос келадиган адабиётлар янги авлод ўқув адабиётлари ҳисобланади деган мулоҳазани илгари суради [5].

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими шароитида давлат таълим стандартларининг жорий этилиши “узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”ни ишлаб чиқишни талаб этди [6].

Шу ўринда янги авлод ўқув адабиётини яратиш муаммоси давлат миқёсидаги вазифасига айланганини таъкидлаш мумкин, уни ҳал этиш биринчи навбатда ўқув адабиётларини яратиш босқичида уни сифатини бошқаришга боғлиқ.

А. Кусаиновнинг фикрига кўра, учинчи минг йиллик ўқув адабиётлари муаммосини кўтарилганда, замонавий жамиятда таълимнинг роли, ўрни, мақсади ва вазифасини аниқ тасаввур қилишимиз керак, чунки жамият ривожланишининг муайян босқичида бу кўрсаткичлар охири-оқибат янги авлод дарсликларида тегишли педагогик ўзгартиришга юз тутади. Улар бўйича ўқув адабиётларини таҳлил қилиш шакли ва мезони аниқланади [7].

Ўқув адабиётлари сифатни аниқлашда эҳтиёжлар ва истеъмолчи тушунчалари асосий ҳисобланади. Замонавий жамиятда истеъмолчи томонидан белгиланадиган сифат устун ҳисобланади ва истеъмолчининг фикри ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан ҳар қандай фаолият ёки натижалар истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва заруратига мувофиқлиги даражаси ҳисобга олиниши керак бўлган объектив ҳақиқатдир [8; 26-30-б.].

Маълумки, ўқув адабиёти фан бўйича асосий ўқув нашри ва билимлар тизимни ташкил этувчи элементи бўлиб, ўқув дастурида белгиланган асосий илмий билимлар мажмуасини ўз ичига олади ва ўқув нашрларининг функционал йўналишини тўлиқ акс эттиради.

А.В.Хуторскийнинг фикрига кўра замонавий дарсликни яратиш технологиясини лойihalашдан олдин, биз мақсад ва йўналишимизни белгилаб олишимиз керак. Ҳозирги вақтда дарслик яратиш назарияси ва амалиётида камида учта усул мавжуд. Биринчиси– дарсликлар ҳақидаги маълум назарий қоидаларни тўлдириш ва такомиллаштириш, мавжуд дарсликларни шу асосда таҳрирлаш, уларни бугунги кун шароити ва вазифаларига мослаштириш. Иккинчиси – маълум бир вақт ва барча шароитлар учун ягона энг яхши дарслик назариясини ишлаб чиқиш. Учунчиси– дарсликнинг умумий назариясидан воз кечиш ва ҳар бири ўзига хос талаблар қўйувчи маълум таълим концепциялари асосида дарсликлар яратиш [9; 11-б.].

Демак А.В.Хуторскийнинг фикрига кўра у келтирган учинчи усул бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда ПФ-5847-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” талаблари асосида яратилган ўқув адабиётларини янги авлод ўқув адабиётлари деб аташ мумкин.

Концепциянинг Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар номли иккинчи бобида “Амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган”лиги алоҳида таъкидланган. Концепцияни амалга оширишдан қутилаётган натижалар номли тўртинчи бобида

“...ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан, амалий кўникмаларни шакиллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади” дейилган аниқ кўрсатма берилган [10].

Бундан келиб чиқадики, назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан, амалий кўникмаларни шакиллантиришга йўналтирилган таълим тизимига ўтишни таъминловчи компетенцияга йўналтирилган, мазмуни амалийлаштирилган ўқув адабиётларини яратиш орқали ўқув адабиётларини янги авлодини яратиш мумкин экан.

Тадқиқотчи Н. М. Розенберг классик триога таянган: унинг фикрича, дарслик ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш функцияларини бажариши керак [11].

Худди шундай фикрда бўлган В.И.Смирнов, Н. М. Розенберг фикрини ривожлантирган ҳолда дарслик:–“таълим, ривожланиш, педагогик функция, технологик функция каби тўртта функцияни бажариши керак”лигини таъкидлаган [12].

Демак, янги авлод ўқув адабиётида мақсадли танланган мазмун дидактик қайта ишланиши ва уни самарали ўзлаштириш аппарати, технологияси бўлиши зарур.

Шундай экан янги авлод ўқув адабиётининг дидактик аппаратида ривожланаётган, шахсга йўналтирилган, назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан, амалий кўникмаларни шакиллантиришга йўналтирилган таълим тизимига ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар етарли даражада ҳисобга олиниши зарур.

Янги форматдаги дарсликни қуриш асосини модулли ёндашув ташкил этади [13]. Бу борада модулли ўқув адабиётининг хусусиятларини касбга йўналтирилган ва махсус тузилган билимлар тизими сифатида кўриб чиқиш, модулли ўқув адабиётига янги авлод ўқув адабиёти сифатида қўйиладиган талабларни аниқлаш учун имкон ва унинг сифати ва самарадорлик кўрсаткичларини ривожлантириш ва таҳририй тайёргарликни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш учун материал беради.

Модулли ўқув адабиётини яратиш алгоритми, масалан “Машина деталлари” фани бўйича концептуал ривожланиш ва ички (мавзу ёки фан ичидаги) ва ташқи (фанлараро ва цикллараро) муаммоли (назариядан амалиётга ўтиш) майдонларнинг амалий тузилишини ўз ичига олади, унинг тақсимланиши асосий таълим соҳаларини, ўзгармас концептуал ва категорик аппаратларни, мақсадларни белгилаш ва мавзу мазмуни даражасида билим, кўникма малака ва компетенцияларни изчил ривожлантириш ва уларнинг кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Муаммоли майдонларни аниқлаш ўқув адабиёти мазмунига муайян билимлар тизими сифатида замонавий ёндашувни тақозо этади. Муайян билим турига мурожаат қилиш, ушбу фаннинг мутахассисни тайёрлашдаги ролига боғлиқ бўлган таълим мақсадлари ва шунга мувофиқ таълим даражаси ва унинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим мазмунини ташкил этувчи назарий ва амалий билимларга бўлган эҳтиёжга боғлиқ бўлади.

“Техник механика” ва “Машина деталлари” фанлари бўйича модулли ўқув адабиёти мазмунидаги зарур касбий билимлар, бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражасини акс эттирувчи малака талаблари тўплами билан боғлиқ, натижада ўқув материали мазмунини танлаш, уни аниқ касбга, амалиётга йўналтирилган ўқув жараёнига мослаштиришга имкон беради.

Фикримизча модулли, мазмуни амалийлаштирилган ўқув адабиётига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Модуллarning мазмуни мақсадли танланиши ва ҳар бир мавзунинг (дарслик компонентлари) мазмуни ва хусусиятларига энг мос келадиган схема бўйича тақдим этилиши зарур.

2. Ўқув адабиётидаги модуллarning барча мавзулари мазмуни ва уларнинг қисмлари аниқ касбий фаолиятга йўналтирилган бўлиши керак.

3. Ўқув адабиётида ўқувчилarning келажакдаги касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган иккиламчи маълумотлар бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

4. Турли ҳил мутахассисликлар учун ўқув адабиётида ўрганилаётган фаннинг мураккаблиги ва хусусиятлари ҳамда аҳамияти ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

5. Компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган ўқув адабиёти ўқувчига мавзу материали асосида аниқ техник муаммоларни мустақил равишда ҳал қилиш имкониятини бериши керак.

Бизнинг фикримизча ушбу талаблар асосида ишлаб чиқилган янги авлод (технологик) ва ананавий ўқув адабиётлари орасида қуйидагича фарқланиш юзага келади.

1. Ананавий ўқув адабиётларида тақдим этилаётган ўқув-билув маълумотларини фаол ўзлаштириш методикаси тақдим этмайди. Бундан фарқли равишда янги авлод ўқув адабиётлари тақдим этилаётган ўқув материалларини самарали ўзлаштириш технологиясини ҳам тақдим этади. Бунда ташхисли танланган асосий мазмун қайта ишланиши натижасида ўзлаштириш самарадорлигини таъминловчи услуб таклиф этилади. Яъни мавзуни тўлиқ ўзлаштириш учун талабалар бошқа ўқув адабиётларига мурожат этишга мажбур бўлишмайди ва ўз билимларини баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

2. Ананавий ўқув адабиётларида иккинчи даражали материаллар кўплиги боис параграфлар ортиқча маълумотлар билан юкланган. Технологик ўқув адабиётларида ўқув параграфидagi маълумотлар ёдда сақланишини осонлаштириш ва ўрганилиши кўзда тутилган ёндош мавзуларни яхлит ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида минималлаштирилган ва модулларда бирлаштирилган.

3. Кўпгина ананавий ўқув адабиётлари мазмуни монографик тамойилга эга бўлиб, ўқув материаллари ташхисли танланмаган ва дидактик қайта ишлагмаган. Янги авлод ўқув адабиётларида мазмун касбга йўналтирилган маълумотлар амалий характерда баён этилади.

4. Амалдаги ананавий ўқув адабиётлари назарийлашган характерга эга бўлиб, унинг амалиёти назариядан айро ҳолда мавжуд бўлганлиги сабабли мавзуни тўлиқ ўзлаштириш учун назарий ва амалий ўқув адабиётларга мурожат этиш назарда тутилган.

5. Технологик ўқув адабиёти ананавий ўқув адабиётидан фарқли равишда лойиха ҳисобларини бажариш жараёнидаги методик номукамаллик оқибатида юзага келадиган тушинмовчилик ва иккиланишларни бартараф этиб, лойихалашда ягона йўналишни белгилаб беради ва сарфланадиган вақт ҳамда меҳнат сарфини камайишига олиб келади.

Шундай қилиб янги авлод ўқув адабиёти мақсадли танланган ўқув материалнинг тарқатувчиси ва ушбу материални таклиф этилаётган технология ёрдамида фаол ўзлаштирилиши ташкилотчиси ҳамда таълим жараёнининг бошқарувчиси вазифасини бажаради. Бундай ўқув адабиётларида 30-40% ҳажми ўқув маълумотлари, 70-60% –бу маълумотларни фаол ўзлаштириш технологияси эгаллайди.

Юқорида келтирилган фикрлар таҳлили ва олган ҳулосаларимизга асосланиб янги авлод ўқув адабиётига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин.

Янги авлод ўқув адабиёти – бу таълим - тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришга йўналтирилган, давлат таълим стандартлари талаблари асосида касбий фаолиятга оид билим, кўникма, малака ва компетенциялар тизимли шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи адабиётдир.

### 3. Натижа ва мулоҳазалар

А.В.Хуторскийнинг фикрига кўра “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” талаблари асосида яратилган ўқув адабиётларини янги авлод ўқув адабиётлари деб аташ мумкин.

Концепцияда “Амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган”лиги танқид остига олиниши, “...ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан, амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтилади”

дейилган аниқ кўрсатма берилиши, ушбу талаблар асосида янги авлод ўқув адабиётларини яратишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бундай янги авлод ўқув адабиётини тузиш асоси модулли ёндашувни талаб этади. Фан бўйича концептуал ривожланиш ва ички (мавзу ёки фан ичидаги) ҳамда ташқи (фанлараро ва цикллараро) муаммоли (назариядан амалиётга ўтиш) майдонларнинг амалий тузилишини ўз ичига олади ва ҳар бир мавзу мазмуни даражасида билим, кўникма малака ва компетенцияларни узвий ва изчил ривожлантириш талаб этилади.

#### 4. Хулоса

Модулли янги авлод ўқув адабиёти мазмуни зарур касбий билимлар, бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражасини акс эттирувчи малака талаблари тўплами мазмунини акс эттириши зарур. Компетенцияга йўналтирилган ўқув материаллари мазмунини танлаш, уни аниқ касбга, амалиётга йўналтириш, ўқув жараёнига мослаштириш талаб этилади.

Янги авлод ўқув адабиётлари тақдим этилаётган ўқув материалларини самарали ўзлаштириш технологияси ва ёдда сақлашни осонлаштириш мақсадида оптимал мазмун билан бирга, юзага келадиган тушинмовчилик ва иккиланишларни бартараф этиб, лойиҳалашда ягона йўналишни белгилаб беради ва сарфланадиган вақт ҳамда меҳнат сарфини камайишига олиб келади.

Янги авлод ўқув адабиётларида назария амалиёт билан уйғунлашган, мазмуни амалийлашган бўлганлиги учун мавзунини тўлиқ ўзлаштириш учун назарий ва амалий ўқув адабиётларга мурожат этишни бартараф этади.

#### Адабиётлар:

1. Архангельский, С.И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерности, основы и методы / С.И. Архангельский. - М., 1980. - 74 с.
2. Франсуа-Мари Жерар, Ксавье Рожье. Разработка и анализ школьных учебников Вильнюс. Изд. «АВОVO», 1998. – 378 с.
3. Олимов К.Т. Проблемы создания учебников специальных дисциплин нового поколения в сфере среднего специального и профессионального образования. Ташкент. Издательство «Фан» академии наук республики Узбекистан – 2004. 118 с.
4. Мамырова К.Н. Характеристика дидактических принципов и подходов построения содержания учебников. Учебник третьего тысячелетия. Материалы III Международной научно- практической конференции. - Алматы, Атамур. 2003. - 48 с.
5. Алефиренко Н.Ф. История лингвистических учений: учеб. пособие для студентов, магистрантов и аспирантов филол. спец./Н.Ф. Алефиренко. - Белгород: ИД «Белый город» НИУ «БелГУ», 2013. – 404 с.
6. Концепция создания учебной литературы нового поколения для системы непрерывного образования. Ташкент: Шарк, 2002.-3 с.
7. Кусаинов А. Система мониторинга качества учебников нового поколения. Учебник третьего тысячелетия создание, издание, распространение. Материалы III Международной научно-практической конференции. - Алматы, Атамур. 2003. -8 с.
8. Антонова С.Г. Культура издания. К вопросу о качестве вузовской книги./С.Г.Антонова//Проблемы современной книжной культуры: Материалы «Круглого стола», 14 марта 2003 г. / отв. ред. В.И. Васильев. - М.: Наука, 2003.– 215 с.
9. А. В. Хуторской, Место учебника в дидактической системе // Москва: Научная цифровая библиотека PORTALUS.RU. Дата обновления: 30. 07. 2007. URL: [https://portalus.ru/modules/shkola/rus\\_readme.php?subaction=showfull&id=1193748402&archive=1194448667&start\\_from=&ucat=&](https://portalus.ru/modules/shkola/rus_readme.php?subaction=showfull&id=1193748402&archive=1194448667&start_from=&ucat=&) (дата обращения: 07.11.2023).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030



йилгача ривожлантириш концепцияси”. –Т.: Халқ сўзи газетаси, 2019 йил 9 октябрь, №209 (7439).

12. Розин В. М. Учебник: вчера, сегодня, завтра // Общество и книги: от Гутенберга до Интернета. М.: Традиция, 2001. С. 212–221.
13. Смирнов В. И. Учебная книга в системе дидактических средств // Университетская книга, 2001. № 11. С. 20–26.
14. Антонова, С.Г. Современная учебная книга. Создание учебной литературы нового поколения / С. Г. Антонова, Л. Г. Тюрина. - М., 2001.- 21 с.